

Бангладешда виртуал Қуръон семинари ташқил этилди



08:30 / 17.03.2021 1465

Бангладешдаги Эрон маданий атташеси Ислом маданияти ташкилотининг Халқаро маркази ҳамда Европа Қуръон уйи ҳамкорлигида махсус виртуал Қуръон ўқиш семинарини ташқил этди.

Ислом маданияти ва алоқалари ташкилоти ҳисоботиға кўра, Қуръон устахонаси 15 март кунидан 17 март пайшанбага қадар уч кун давом этади.

Ушбу семинар Техрон вақти билан соат 14:00 ва 16:30 да Дакка (Бангладеш пойтахти) да бўлиб ўтади. Семинарда Эрон Ислом Республикасининг таниқли раҳбари Аҳмад Абулқосими иштирок этади.

Аҳмад Абулқосими 1947 йилда Техронда туғилган ва Қуръон ўқиш бўйича докторлик даражасини эгаллаган.

Абулқосим бир неча бор халқаро мусобақаларда қатнашган. У 1987 йилдан буён Буюк Британия, Нидерландия, Бельгия, Австрия, Югославия, Германия, Франция, Италия, Канада, Австралия, Македония, Албания, Саудия Арабистони, Қозоғистон ва Малайзияда бўлиб, кўплаб масжидлар ва Қуръон марказларини зиёрат қилган.

Хуршид Маъруф тайёрлади